

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 202 (11.263)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентда «Ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ва электоратнинг сиёсий маданиятини ошириш масалалари» мавзусидаги халқаро давра суҳбати ўз иш-ни бошлади. Тадбир доирасидаги дастлабки учрашув Ўзбекистон Республикаси парламентидаги халқаро сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўтказилди.

● Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида «Соғлом оналик ва болаликни тарғиб этиш соҳасидаги ижтимоий ташаббуслар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Австралия, Франция, Япония, Исроил каби давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар қатнашди.

● «Қамолот» ЁИХ Фарғона вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Талабалар — олтин давр» тадбири ўтказилмоқда. Унда вилоятдаги олий ўқув юртли, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари ўз иқтидори, ташаббускорлиги ва фаоллигини намойиш этмоқда.

● Мамлакатимизда жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 10,8 миллион кишига етди. Ушбу кўрсаткич 2008 йил 1 январдаги нисбатан 1,8 марта кўпдир.

● Тошкентдаги «InterSok» қўшма корхонасида шарбатларни куйиш янги линиясининг тақдимот маросими ўтказилди. Эндиликда замонавий линия асосида бир кеча-кундузда юз минг литр маҳсулотни куйиш имконияти яратилди. Маҳсулотларнинг янги дизайни эса уларнинг янада харидорғир бўлишини таъминламоқда.

● Навоий вилояти, Навбахор туманидаги «Навбахор пахта тозалаш заводи» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш бўйича ишлар якунланди. Бу ерда пахта толасини тайёрловчи ДПЗ -180 замонавий ускуналари ўрнатилди. Янгиланган натижада бир йилда 40-50 минг тонна пахтани қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди.

● «Бухоретекс» ҳиссадорлик жамиятида «ДЭУ текстиль Бухоро» корхонаси ташкил этилди. Янги корхонага Жанубий Кореянинг «ДЭУ Интернейшнл» компанияси асос эдилди.

## ЖАҲОНДА

● Мамлакат Марказий сайлов комиссияси мутасаддиларнинг билдиришича, аграр жорий ҳафта охирига қадар МСК сайлов жараёнини молиялаштириш учун тегишли маблағларни олмас экан, Украинада парламент сайловлари белгиланган муддатда ўтказилмайдиган.

● АҚШ Президенти Жорж Буш ўз ваколати доирасида сўнгги марта мамлакатнинг 2009 йилги ҳарбий бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳасини имзолаганидан сўнг, Пентагонда Мудофаа вазирлигининг барча раҳбарлари билан йилги суҳбат бўлиб ўтказилди.

● Литвада парламент сайловлари билан бир пайтнинг ўзида мамлакатдаги Ингаллинск атом электр станцияси фаолиятини ҳам бироқ мuddатга узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Бироқ сайлов участкаларига овоз берувчиларнинг фақат 47,6 фоизи келганлиги учун референдум бекор қилинди. Айтиш керакки, Литва ЕИ талабига биноан Ингаллинск АЭСини 2009 йилда ёпиши керак.

● Бразилия Президенти Лула да Силва мамлакатдаги мактабларда испан тилининг мажбурий ўтилшини жорий этгани боис Испаниянинг Кастилия мухтор иттифоқи томонидан Дон Кихот Ламанчский мукофоти билан тақдирланди.

● Украина миллий банки шу йил 13 октябрдан бошлаб аҳолининг омонатларини қайтаришни олти ойга таъқиқлаб қўйди. Банк шу йўл билан молиявий инкирозни биров бўлсада бартараф этмоқчи. Маълумотларга кўра, ўтган бир ҳафта мобайнида украинликлар банклардан 3 миллиард долларлик омонатларини қайтариб олишган.

● Чеченiston маъмурилари жорий йил 11 октябрда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 500 миллион рублга яқин маблағ ажратдилар.

● Халқаро космик станциясининг 18-экспедицияси экипажи Бойкўнғир космодромидан «Союз ТМА-13» кемаси орқали муваффақиятли парвоз қилди. Экипаж таркибидан америкалик астронавт Майкл Финк, россиялик Юрий Лончаков ўрин олган бўлиб, америкалик Ричард Гереод ХКСда фазовий сайёҳ сифатида коинотга йўл олди.

● Кеча Германиянинг Бонн шаҳрида жаҳон шахмат тожи учун россиялик собиқ жаҳон чемпиони Владимир Крамник ҳамда ҳиндистонлик «Мадраслик йўлбарс» лақаби билан эга жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ўртасида беллашув бошланди. Дастлабки баҳс дуранг натижа билан якунланди. Нуфузли турнир 2 ноябрга қадар давом этади ва шахматчилар голибни аниқлаш учун 12 та ўйин ўтказилади.

● Россиянинг Пермь шаҳрида «Боинг-237» самолётининг авиаҳалокатга учраши натижасида ҳаётдан кўз юмган барча 88 кишининг шахси аниқланди. Ҳозирда фожа сабабларини аниқлаш ишлари давом этмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

## Киска сатрларда

● БУГУН Ҳамза машинасозлар коллежи ахборот-ресурс марказида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишланган ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Буюк келажак сари» деб номланди.

● КЕЧА шахримизда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари иштирокида алоқа тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● ЭРТАГА шахримизда «Ўзбектуризм» миллий ярмаркаси иш бошлайди. КЕЧА ушбу соҳа мутасаддилари иштирокида уюштирилган матбуот анжуманида ташкил этиладиган ярмарканинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● КЕЧА шахримизда халқ таълими муассасалари педагоглари иштирокида ўтказилган тадбир жорий йилнинг июль ойидан болалар ижтимоий моллашув маркази ташаббуси билан амалга оширилаётган «Ногирон болаларни ижтимоий моллаштириш» лойиҳасининг муҳоказасига бағишланди.

● КЕЧА «Ёшлар» талабалар шахрачасида Ёшлар йилига тўхфа сифатида бунёдкорлар томонидан куриб битказилган футбол майдончаси ва теннис кортининг очилиш маросимида бағишланган тадбирда олий ўқув юртлиларнинг талабалари иштирок этишди.

● ҲАМЗА туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишланган ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир ва концерт дастури «Тошкент — Шарқнинг юлдузи» деб номланди.

● МИРОБОД туманидаги Гафур Гулом номли маданият уйи сарторсулик курси қатнашчилари иштирокида уюштирилган «Очиқ дарс» тадбири Ёшлар йилига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Узинфинвест» ахборот таъминоти ва хорижий сармояларга ёрдам кўрсатиш агентлиги ҳамда Германия Федератив Республикаси Федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё саноати ҳамда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этиди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жаҳонларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам изчил ривожланиётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлади.

Форумда германиялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.



ЎЗБЕКИСТОН БУГУН ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАРДАН БЎЛИБ, ПАХТА ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ОЛТИНЧИ, УНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА УЧИНЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАЙДИ. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ВА 14 ОКТЯБРЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА ОЧИЛГАН IV ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УШБУ СОҲАДАГИ ТАШҚИ САВДО ҲАМКОРЛИгини ҳамда ЖАҲОН ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ЯРМАРКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН «COTTON OUTLOOK» ХАЛҚАРО АГЕНТЛИГИ, «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ ВА «СИФАТ» ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ТОЛАСИНИ СЕРТИФИКАТЛАШ МАРКАЗИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ ЕТАКЧИ ҲАМКОР

Пахтачилик ва у билан боғлиқ пахтани қайта ишлаш саноати мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш.Мирзиёев IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини очар экан. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш борасидаги тўб ўзгаришлар натижасида пахтани етиштириш, қайта ишлаш ва ундан энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тала ишлаб чиқаришга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Ушбу соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди, ўзбек пахта толасини экспортга сотиш бўйича очиқ механизм яратилди. Шу боис ҳам юқори сифати билан бутун дунёда эътироф этилган ўзбек толасига бўлган эҳтиёж халқаро бозорларда йил сайин ортиб бораётди.

Мисол учун, 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан трейдер ва тўқимачилик компанияларининг 170 нафардан ортиқ вакили қатнашган бўлса, 2006 йилда 250, 2007 йили 450 нафардан ортиқ киши иштирок этди. Бу йил аса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 400 нафардан зиёд вакил ташриф буюрди. Айни вақтда, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраган ҳолда, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг журрофияси тобора кенгайиб бормоқда. Пахта бизнеси бўйича Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида сўнгги йилларда тўқимачилик саноати жадал ривожда ривожланиётган Жаҳон-Шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари кўпчиликни ташкил этмоқда. Ушбу мамлакатлар билан савдо-сотик кўрсаткичлари, ярмаркада тузилган шартномалар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда, толаннинг тақлиф этилаётган жами ҳажми қолдиқсиз ҳарид қилинмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек пахтасига бўлган талаб юқорилиги ва у тобора ортиб бораётганидан далolat беради. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу ярмарка эса жаҳон пахта бизнеси соҳасидаги муҳим воқеа мақомига эга бўлди.

Икки кун давом этадиган ва анъанавий

тусланган бу галги ярмарка давомида унинг иштирокчилари мамлакатимизда пахта саноатини ривожлантириш стратегияси билан батафсил танишиш, ўзбек толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўладилар. Ярмаркада, шунингдек, Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган пахта саноати салоҳияти ва амалий ҳамкорлик қўламини кенгайтириш имкониятларини ўрганишдан манфаатдор хорижий ҳамда халқаро бизнес тузилмаларининг бўриги экспертлари ҳам қатнашмоқда.

«Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Р.Батлернинг таъкидлашича, Ўзбекистонда пахта сифатини бахорлашининг илгор тизимларини яратиш ва уни сотиш бозорларини кенгайтириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Бу ҳақдаги ахборот жаҳон пахта саноати соҳасида энг нуфузли хабарламани «Cotton Outlook» журналида мунтазам чоп этилмоқда. Чунинки, ушбу журналда мазкур жойлиқ ислохотлар давлатимиз раҳбарининг пахта бизнеси соҳасида Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувини янада кучайтиришга қаратилган стратегияси натижаси экани, мамлакатимизда ўзбек толаси ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий истеъмолчилар билан муносабатларини ривожлантиришга доир янги ташаббуслар амалга оширилаётгани кайд этилган.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш асносида мамлакатимизда пахтани сотиш бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган замонавий механизм яратилди. Ушбу механизм барча босқичлар — пахта етиштиришдан тортиб, уни тайёрлаш, сертификатлаш, сақлаш ва транспортровка қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу соҳадаги ислохотларнинг комплекс риважига амалга оширилаётгани ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бугун фермерлар ўзини ернинг ҳақиқий эгаси сифатида ҳис қилмоқда ва пахтанинг мамлакатимиз ҳамда хориж бозорларида талаб юқори бўлган навларини танлаб экмолда. Деҳқон-

ларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги ўзбек пахтасининг ҳосилдорлиги ва сифати ошишига, уни етиштиришнинг иқтисодий самардорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу борадаги ишларга энг замонавий илмий технологиялардан самарали фойдаланаётган селекциячилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда улар зараркунандаларга қидимли ҳамда республикамизнинг муайян ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитларига мос, истеъмолчиларнинг турли талабларига жавоб берадиган ўнга яқин эртапишар ва серхосил, тола чиқиши юқори бўлган янги навларни яратдилар.

«Ўзэкспомарказ»нинг ярмарка бўлиб ўтаётган асосий павильонига жорий йилда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган истиқболли пахта навлари толасининг мингдан ортиқ намуналари қўйилган. Ярмарка иштирокчилари улар билан танишишни мумкин. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда пахта толасини сертификатлаш энг илгор халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда. Бу жараён НҲИ юқори технология тизимларидан фойдаланишга асосланган. Бугунги кунда бундай тизимларга дунёнинг ҳамма пахта етиштирадиган мамлакатлари ҳам эга эмас. «Сифат» марказининг лабораториялари тармоғи пахта заводларининг ишлаб чиқараётган ҳар той пахта толаси сифати ва оғирлигини назорат қилиб боради.

Ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс, Хитой пахта уюшмасининг вице-бош котиби В.Жахонг, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан (Бангладеш), «Dubai Multi Commodities Center» ижрочи директори Д.Рутлег (Бирлашган Араб Амирликлари) ва бошқалар Ўзбекистон — юқори сифати билан ажралиб турадиган пахтани кафолатли риважда етказиб берувчи мамлакат эканини, бу ерда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг моллашувчан курсаткичларидан фойдаланилаётгани ҳамда буларнинг барчаси ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатдорликни оширишни таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА  
14 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОН ДИОРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, машинасозлик, электротехника, енгил саноат, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Германия компанияларининг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенгайтиришга эҳтишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон билан Германия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди.

Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди, — деди ГФР Федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар департаменти директори ўринбосари Франк Вайзиг. — Узоро ҳамкорлик алоқаларимиз машинасозлик, банк-молия, озик-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги каби қўллаб соҳаларда жадал тараккий этаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Юртингизда хорижий сармоядорлар билан самарали иш юритиш учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

Бу омил мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Анжуманда Германиянинг йирик фирми ва компанияларидан вакиллар иштирок этгани мазкур мамлакат бизнес-ҳамжамиятида Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганидан далolatдир. Хусусан, «Amazon- Werke H. Dreyer», «Grimme Landmaschinenfabrik» (қишлоқ хўжалиги ускуналари), «Ландес-банк Берлин АГ» (банк-молия), «Арва Энергетик» (ёқилғи-энер-


гетика), «Клас КГаА», «ДТЕС Инжиниринг энд Консалтинг», «Такраф» (машинасозлик), «ЕСЕ индустрия» (пластик контейнерлар ишлаб чиқариш), «NecoFarm Agriculture» (қишлоқ хўжалиги), «Wirtgen International» (қурилиш), «Commit» (консалтинг хизмати) каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозориди ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Германиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари таҳлил қилинар экан, товар айирбошлаш ҳажмининг янада ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Германия ишбилармон диралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Унда германиялик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан энергетика, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ва сув хўжалиги, машинасозлик ҳамда банк-молия каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари юзасидан музокара ўтказди.

Мадина УМАРОВА,  
ЎЗА мухбири





**ФАЙЛАСУФ ҒАЗУЛЧИЛАРДАН БИРИ «ДУНЁНИ ҒЎЗАЛЛИК ҚУТҚАРАДИ», ДЕГАН ЭДИ. БИЗНИНГЧА БУГУНГИ КҮН НУҚТАИ НАЗАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ХОЛДА «ДУНЁНИ МЕХР-ШАФҚАТ, ОДАМИЙЛИК ҚУТҚАРАДИ», ДЕСАК ТҮҒРИ БҮЛАДИ. БИНОБАРИН, ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ АССИЙ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШИ ҲАМ АЙНАН МЕХР-ШАФҚАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИККА ҚАРАТИЛГАНДИР.**

Дарҳақиқат, жамият фаолиятининг бош йўналиши меҳр-шафқат голярига йўрилган бўлиб, бунда аҳолининг кам даромадли қисми, яқка-ёлғиз кексаларни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилишга асосий аҳамият қаратилади. Шунингдек, аҳолини фақуллода вазиятларга тайёр туришга ўқитиб-ўргатиш, ёшлар билан ишлаш, инсонпарварлик фаолиятига кўнгилларини жалб этиш Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг фаолият йўналишлари сирасига киради.

Албатта, давр талаблари асосида кейинги пайтда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг фаолияти янгиланиб, такомиллашиб борапти. Хусусан, янги тахрирдagi Низомга кўра жамиятнинг бошқарув ва ижро тизимлари жорий этиляпти. Чунинчи, 2008 йил давомида шахримизда барча ўн битта туман кенгашилари янги шартларда ўз фаолият йўналишларини белгилаб олди. Чунинчи, ташаббускор, ҳаракатчан туманлар ҳам бошқарув, ҳам ижро тизимини сақлаб қолиб, юридик шахс мақоми ва ўз ҳисоб рақамларига эга бўлишди. Баъзи туманлар эса Тошкент шаҳар Кенгаши бошқарувиغا ўтди.

Ташаббускор, ҳаракатчан туманлар ҳам бошқарув, ҳам ижро тизимини сақлаб қолиб, юридик шахс мақоми ва ўз ҳисоб рақамларига эга бўлишди. Баъзи туманлар эса Тошкент шаҳар Кенгаши бошқарувиغا ўтди.

Кенгаш фаолиятининг янги йўналишларидан бири, бу — бегараз донорлар сафини кенгайтириш ва донорликнинг соғлиққа безарар эканлигини тарғиб этишдир. Хозирда шахримиздаги ўқув юртлири билан тузилган шартномалар асосида бошланғич ташкилотлар тузилиб, талабаларни жамиятнинг инсонпарварлик фаолиятига жалб этиш ишлари бошланди. Шунингдек, уларга фақуллода вазиятларга тайёргарлик кўриш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмалари ўргатиляпти.

Бундан ташқари шаҳар Кенгаши доирасида сил касаллигининг асоратли шаклларига қарши курашиш борасида янги дастур лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур лойиҳага мувофиқ Республика DOTS маркази, Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгаши, Халқаро Қизил Хон ва Қизил Ярим Ой федерацияси билан ҳамкорликда 56 нафар бемор хисобга олиниб, уларнинг узлуксиз равишда даволаш ишлари ташкил этиляпти. Хусусан шаҳар Кенгаши томонидан уларга ҳар ойда санитария-гигиена тўпламлари топширилгани ҳолда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватляпти.

Жамият шаҳар Кенгашининг ўтган ва жорий йилги фаолиятига назар ташлар эканмиз амалга оширилядиган ишлар ҳамда устувор йўналишлар ҳақида муайян тушуноҳага эга бўлишимиз мумкин.

«Меҳр-шафқат» хизмати жамиятининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган яқка-ёлғиз ногирон қариялар, кам таъминланган кўп болали оқиллар доимий равишда жамият тасарруфига олиниб, уларга тиббий-ик-

тимой ёрдам кўрсатилади. Шаҳар ҳудудида яшаётган яқка-ёлғиз қарияларга, кўп болали кам таъминланган оқилларга жамият қoшида ташкил қилинган 4 та тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатётган марказлар ва хоналар ишини яхшилаш мақсадида 500 минг сўмлик дори-дармон ва боғловчи ашёлар, бир мартаба ишлатилдиган шприцлар харид қилинди. Бундан ташқари «Соғлом авлод учун» жамгармаси билан ҳамкорликда патронаж хизмати яхшилаш мақсадида М.У. дугбек, Чилонзор, Сергели туманларида хайрия акциялари ўтказилиб, жамият тасарруфидagi яқка-ёлғиз ногиронлар учун рецетплар асосида дори-лар ажратилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 30 январдаги 74-сонли қароридида белгиланган чора-тадбирлар режасидаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга аниқ йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш

ва 29 та академик лицейларда тахсил олаётган 90 миңдан зиёд ўқувчиларга, кўп болали кам таъминланган оқилларга жамият қoшида ташкил қилинган 4 та тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатётган марказлар ва хоналар ишини яхшилаш мақсадида 500 минг сўмлик дори-дармон ва боғловчи ашёлар, бир мартаба ишлатилдиган шприцлар харид қилинди. Бундан ташқари «Соғлом авлод учун» жамгармаси билан ҳамкорликда патронаж хизмати яхшилаш мақсадида М.У. дугбек, Чилонзор, Сергели туманларида хайрия акциялари ўтказилиб, жамият тасарруфидagi яқка-ёлғиз ногиронлар учун рецетплар асосида дори-лар ажратилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 30 январдаги 74-сонли қароридида белгиланган чора-тадбирлар режасидаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга аниқ йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш

лойтахтим» акцияси доирасида ёшлар сайли бўлиб ўтди. Акцияда Меҳрибонлик уйларида ҳамда махсус интернатларда тарбияланаётган бошлар иштирок этиб, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган расм чизиш, иншо этиш, санъат соҳаларидан ашула, ракс, мусиқа кўрик танловларида катнашдилар. Тадбир иштирокчилари ҳамда кўрик танлов голибларига жамият томонидан эъдалик совғалари ажратилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан шахримизнинг 26 та мактабларида жами 3324 нафар болақонларга 3 навбатда ёзи соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил қилиниб, уларда кам таъминланган кўп болали оқиллар фарзандлари ҳам дам олдилар. Ҳар бир ташкил қилинган оромгоҳларга туман кенгаши томонидан биринчи ёрдам кўрсатиш тўпламлари ва услубий қўлланмалар, буклетлар, плакатлар ва бошқа тарқатма материаллар ажратилди.

**Сўранг, жавоб берамиз**

Муомалага лаёқатсиз деганда кимни тушунилади? Суд қандай ҳолатларда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин?

**М.Қодирова, Юнусобод тумани**  
Ушбу саволга Мирзо Улугбек туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус (хуқуқшунос) Расул АҲМЕДОВ жавоб беради.

— Ёш болалар, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, шунингдек, рўҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб тушунилади. Бундай фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар.

Фуқароларнинг ўз сазй-ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва уларни амалга ошириши муомалага лаёқати ҳисобланади. Тўла муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар қонунлар асосида шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш сингари турли юридик ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақи эмас», деб белгиланган.

Вояга етмаган, яъни ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромаднинг тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Фуқаро фикр юритиш ва ўз ҳаракатлари юзасида ҳисоб бериш қобилиятини йўқотган бўлса, бу унинг рўҳий касаллик белгиси ҳисобланади. Ақли заифлик эса фуқаро туғилганидан бошлаб оқилона фикр юритиш ва ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бериш қобилиятидан маҳрум бўлишдир.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишда иш бўйича тўплаган барча ҳужжатлар суд томонидан ўрганиб чиқилмоғи ва шу асосда асослантрилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30- моддасида « Рўҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади» деб қайд этилган.

**— Гаров ҳуқуқи деганда нима тушунилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

— Гаров ҳуқуқи — бир шахснинг мажбуриятларини таъминлаш учун бошқа шахсга мол-мулкка оид ҳуқуқини беришини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи ҳисобланади. Ўзбекистонда гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқлангани шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан бошлаб вужудга келади. Гаровга оид ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтганда гаровнинг сақланиши, гаров тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига кечиш, гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиш, гаровга олувчининг ҳамда гаровга қўювчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ҳоказо саналади.

**— Давлат заёмлари шартномасини тузиш тартиби ва қоидалари хусусида маълумот берсангиз?**

**Д.Пўлатова, С.Раҳимов тумани.**  
— Давлат заёми шартномаси бўйича давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади.

Давлат заёмлари ихтиёрийдир. Давлат заёми шартномаси қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарз берилган пул маблағларини ёки, заём шартларига боғлиқ ҳолда, бошқа мол-мулкни, белгиланган фоизлари ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни заёмни муомалага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларни қарзларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.

Муомалага чиқарилган заёмнинг шартларини ўзгартиришга заёмни конверсиялаш, шу жумладан «Фуқаролик кодексининг 383-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат заёми шартномаси бўйича давлат ушбу кодекснинг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади. **Ушбу саволларга Нодир ОРИЛҚОВ, Миробод туманидаги 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси жавоб берди.**

**Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятидан**  
**МЕХР-ШАФҚАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎЛИДА**

чора-тадбирлари дастури»нинг 2008 йил учун белгиланган вазифаларини бажариш мақсадида ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш бош бошқарма ва туман бўлимлари ҳамда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» хайрия жамгармалари билан ҳамкорликда шартномалар тузилиб иш олиб борилди. Жамият тасарруфидagi яқка-ёлғиз ногирон қарияларнинг рўйхатлари янгиланди. Уларнинг эҳтиёжлари тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Жамият тасарруфига олинган 389 нафар яқка-ёлғиз ногирон қарияларга, пенсионерларга 20 та «Меҳр-шафқат» хамширалари тиббий ижтимоий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида меҳр-шафқат хамширалари томонидан ёлғиз қарияларнинг уйларига 2712 мартаба борилиб, уларга 11969 мартаба тиббий ёрдам, 6810 мартаба ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 2010 мартаба дори-дармонлар билан таъминландилар. 68 та қария шифохоналарда соғломлаштирилди. Шунингдек, йил давомида 362 та яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган ёрдамга муҳтож оқиллар учун жамият ҳисобидан 10 миллион 646 минг сўм, ҳомийлар ёрдамида 5 миллион 985 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги ёшларни мурувватли ишларга янада илҳомлантирди. Тошкент шаҳридаги 84 та коллеж

лари Қизил Ярим Ой жамияти бошланғич ташкилоти фаолиятини кенгайтириш ишларини ривожлантириш, олийгоҳларда ташкил қилинадиган хайрия тадбирларида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг иштироки, Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини ёшлар ўртасида тарғиб қилишда ҳамкорликни кучайтириш ва бирлаштириш, шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламга, шу қаторда фақуллода вазиятларга жабрланганларга ёрдам бериш, томонларнинг кўнгилли ёшлар ташкилотлари тизимини ривожлантириш, фасол ёшлар етакчилири ва кўнгиллиларини рағбатлантириш мақсадида келишимлар ҳолда қўша тадбирларни уюштириш ва томонлар вакиллари иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

«Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш» бўйича Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Педиатрия-тиббий институти, Тошкент Тўқимачилик ва енгил санат институтларида семинарлар ўтказилди.

5 май куни Тошкент Педиатрия-тиббий институтида «Инсонпарварлик сари бирдамликда» акцияси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар доимгидек, ёшлар йилида ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни анъанавий равишда нишонланди. 27 майда F.Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Дилимдасан

ди. Иш режасига биноан барча туманларда жойлашган оромгоҳларда турли мавзуларда хайрия тадбирлари уюштирилди.

Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва қидирув хизмати йўналиши бўйича ҳам шаҳар кенгаши томонидан ибратли ишлар амалга оширилди. Йил бошида тузилган иш режасига биноан: Ўзбекистон ҚЯОЖ Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари ходимлари иштирокида — 2 та, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамгармаси, туман бўлимлари ва маҳалла фаоллари учун — 14 та, олий ўқув юрти талабалари иштирокида 1 та, қасб хўнар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ва 3 босқич ўқувчилари иштирокида — туман ҳокимликларида хотин-қизлар кенгаши раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари учун шаҳар ва туман халқ таълими ходимларига, ўрта мактаб ўқитувчилари, «Юкори синф ўқувчилари учун, жамият волонтерларига ҳамда қидирув хизмати бўйича қўллаб-қувватлов семинарлар ўтказилди. 9 ой давомида яқин қариндош-уруғларини қидираётган инсонлардан келган мактублар сонини 17 та бўлиб, улар устиди ишланмоқда. «Нуроний» оромгоҳида 120 минг сўмлик дори-дармон харид қилиб берилди. 12 та яқка-ёлғизларга 2 минимал маош ҳажмида ёрдам маблағи ажратилди.


**Style.Uz-2008**  
**ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ИЖОДИ НАМОЙИШИ**  
**ПОЙТАХТИМИЗДА «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИНИНГ ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЁРҚИН ТАДБИРЛАРИДАН БИРИ — UNDERGROUND — ЁШ ДИЗАЙНЕРЛАР ИЖОДИЙ ИШЛАРИ НАМОЙИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анъанавий тарзда ўтказилаётган ушбу тадбир соҳада ўз йўналиши ва услубига эга бўлиб бораётган дизайнерларни қўллаб-қувватлаш, ижодини рағбатлантириш, кенг тарғиб қилиш, мода оламидаги янги фояларни кашф этиш сари илҳомлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар ижод саройида ўтган бу йилги намоишда қарийб йигирма моделер ўзининг ранг-баранг ва бетакрор либослар тўплами билан иштирок этди. Улар орасида Зулфия Султонбоева, Светлана Ахатова, Анжела Али, Светлана Курносова, Камола Икромова, Руфия Аҳмадиева ва каби ўз фаолиятини энди бошлаётганлар ҳам, айна пайтда, кўпчилик эътиборига тушиб улгурган дизайнерлар ҳам бор.

Муниса Аскаророва — улардан бири. Муниса ўтган йили ҳам дизайн ва мода ҳафталигида муваффақиятли иштирок этган. Бу галги намоишда у ёшлар учун мўлжалланган «Ранг-баранглик» либослар тўплами билан катнашди.

— «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, «Дом стилия» Тошкент модалар уйи томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар соҳада ўз услубига эга бўлиб бораётган биз, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодини етук мутахассислар, мода саноати, тивувчилик корхоналари вакиллари, санъатшунослар томонидан баҳоланишида муҳим аҳамиятга эга, — дейди М.Аскаророва. — Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилядиган кенг қўламли ишлар бераётган юксак самаралардандир.



**ПОЙТАХТИМИЗДА «STYLE.UZ-2008» ДИЗАЙН ВА МОДА ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ДИЗАЙН ВА МОДА КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**



**ДИЗАЙН ВА МОДА КЎРГАЗМАСИ**

Ёшлар ижод саройида очилган мазкур кўргазма мода саноатининг қўллаб қирралари, замонавий миллий ҳамда жаҳон модаси йўналишларини намоён этишда, соҳада халқаро алоқаларни янада фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Матолар, тикиш ва тўқиш технологияларини қайта тиклаш, тўқимачилик янгилликлари, таниқли ва ёш дизайнерлар томонидан яратилган либослар, безаклар, таджикот ишлари олиб бораётган ижодкорлар, жаҳон модасида рўй бераётган энг сўнги ўзгаришлар мазкур кўргазма экспозициясининг асосий қисмини ташкил этади.

— Тошкентда ўтаётган бундай нуфузли тадбирда иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлайди, — дейди швейцариялик журналист Саймон Хьют. — Хафталик дизайн ва мода соҳасида фаолият кўрсатётган мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмаши-

ши учун яхши имкониятдир. Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек мода ижодкорларининг либос тўпламлари ранг-баранглиги, бетакрорлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бундай тадбирлар яқин келажақда Тошкент жаҳоннинг йирик мода марказларидан бирига айланишига хизмат қилади.


Ушбу кўргазмада таниқли тўқимачилик компаниялари, модалар уйлари, заргарлик буюмлари, либослар, гул дўконлари махсусотлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Айниқса, «Дом стилия» Тошкент модалар уйи, Миллий санъат маркази, «Осиё рамзи» Ўзбекистон моделерлар уюшмаси каби мода марказларининг махсусотлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада иштирок этаётган модалар уйлари, ёш ижодкорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар орасида «Келажақ овози» республика иқтидорли ёшлар тан-

лови голиблари ҳам бор. Кўргазманинг Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтаётгани дизайн ва мода соҳасида изланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди янада кенг намоён бўлишига яқиндан қўллаб-қувватлаш, йигит-қизлар ижодий салоҳиятини намоён этиши учун яратилган ўзига хос имкониятдир.

— Хафталик йил сайин такомиллашиб бормоқда, — дейди ёш моделер, «Style.Uz-2006, 2007» дизайн ва мода ҳафталикларининг голиби Марат Нейматов. — У юртимиз мода ва дизайн соҳасида янги номларнинг пайдо бўлишида муҳим омили бўлмоқда. Ўтган йил мазкур ҳафталикда қатнашганим ўз фояларининг амалга ошишида, ижод намуналаримни бир қатор мамлакатларда муваффақиятли намоиш этишимда катта ёрдам берди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири**



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ БОБО ТОХИР ХИКМАТЛАР**

Ким ошиқ бўлса, у жондан ҳайикмас, Ошиқ кундаю зиндондан ҳайикмас. Бўлар ошиқ дили оч бўри янглиғ, Бўри чўпону гаврондан ҳайикмас.

Бу ошиқ кўнгли мисли хўл ёғочдир — Куяр бир учи, бир учи тўкар ёш.

Азизлар, бир-бирингизни авайланг, Ажал — тош бўлса, одам мисли шиша.

Азизлар, шод бўлинг, авжи баҳордир, Чаманлар яшнаган, чўл лолазордир. Бу мавсумнинг ганимат ҳар бир они, Билинг, дунёи дун безътибордир.

Агарда тож бошингда — оқибат ҳеч! Агарда тахт қошингда — оқибат ҳеч! Сулаймон мулки бўлса-да насибинг, Ажал гар ёнбошингда — оқибат ҳеч!

Юки оз кишининг бўлмай иши соз.

Етар дардига дармон ҳар кишининг.

Беобрўйлигу бадномликдан ўзга, Ўзи ўсган гиёҳ бермайди ҳосил.

Бу тоғларнинг ҳавоси мангу эрмас! Бу боғларнинг сафоси мангу эрмас! Кезарман элма-элу бонг урарман: Гўзалларнинг вафоси мангу эрмас!

Кишиким, ёри нозанин агардир, Куйиб жони, дили тўла қадардир.

Бу нозик дилни бир шиша билурман.

Бу ял-ял лолазорни бил ганимат! Бу фасли навбахори бил ганимат! Жаҳон неъматин ёр васлига етмас, Висоли нозли ёрни бил ганимат!

Мисоли шер эдим — кўрқув бегона, Ажал қасд айлади ноғо бу жона. Енгиб даҳшатли шерларни, турибман — Ўлимга топмайин чора, баҳона.

Азизлар, айрилиқнинг дарди душвор.

Дили шодлар дили зордан хабарсиз, Соғ инсон дарди бемордан хабарсиз. Йўқ айбинг бунда ҳеч — асли-азал шу: Ким эркиндир — гирифтордан хабарсиз.

Ўт олмай ўт кўрмаган чўғ.

Бекор қолсанг, мазорларни кезиб чиқ. Ва қил бою фақир ҳолатини таҳқиқ: На бой олмиш кафандан ортиғу на Фақир қолмиш кафансиз усти очик.

Дилим доим харидори муҳаббат, Қизир ундан бу бозори муҳаббат. Либос тикдим дилим қаддига мослаб, Ипи — меҳнат унинг, тори — муҳаббат.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



**Tashkent challenger — 2008**

ДЕНИС ИСТОМИН:

**«МУХЛИСЛАРИМИЗ БИЗДАН ЯХШИ ЎЙИН КЎТАДИ...»**

— ДЕЯ ТАЪКИДЛАБ ЎТДИ «TASHKENT CHALLENGER — 2008» ТУРНИРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРАСИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН МИЛЛИЙ ЖАМОАМИЗ ЕТАКЧИСИ

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, айна пайтда жаҳонда 115-погонадан ўрин олган Денис Истомин республикамиз профессионал теннисчиларининг икки авлодига кирди.

— Мамлакатимизда спортнинг бу йўналишига том маънода асос солинганга унча кўп вақт бўлмади, аммо ҳақиқатдан ҳам муносиб авлодлар алмашуви бошланди, — деди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Петр Лебедь. — Ўз вақтида давлатимиз шаънини турли халқаро мусобақаларда ҳимоя қилган Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Дмитрий Мазурларни кўпчилик яхши билади. Бугунги кунда эса уларнинг ўрнини айна Денис Истомин, Мурод Иноятов, Важа Узоқов, Фаррух Дўстов муносиб эгаллаган десак муболага бўлмайди. Қолаверса, мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига қанчалик катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳимиз. Иқтидорли ўсмир теннисчиларимиз ҳам тенгдошлари орасида дастлабки ютуқларга эришаётди. Демак, саёҳатларимиз бесамар кетмаяпти.

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби негизда шу кунларда илк марта ўтказилаётган «Tashkent challenger» турнирига бевосита қайтайдиган бўлсак, 10 нафар умидли теннисчиларимиз саралаш мусобақаларидан ўта олишмади. Ишонч йўланмаси билан турнирда қатнашаётган Мурод Иноятов, Важа Узоқов ва Фаррух Дўстовлар ҳам, афсуски, биринчи даврадаёқ кучли теннисчиларнинг зарбаларига дош бера олмасдан, мусобакани тарк этишларига тўғри келди.

Назаримизда, Денис Истомин ҳам, қозғистонлик Алексей Кедрюк ҳам айна Тош-

кент челленжериди ва дастлабки босқичда бир-бирига рўбарў келишини кутмаганди. Юртимизда олти йил давомида ўтказилган қитъа чемпионатларида галаба қозонишга астойдил киришган, лекин бунга эриша олмаган Кедрюк кеча кортга ҳамюртимизга қарши нечоғлик ваҳожат билан тушганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Айтиб ўтиш керакки, Алексей Кедрюк кўшни мамлакатнинг биринчи кучли ракеткаси бўлса-да, аммо рейтинг даражаси анча пасайиб кетгани боис Тошкент челленжерининг квалифайн синовидан ўтишига тўғри келди. Саралашнинг сўнгги даврасини америкалик Назан Томсонга бой бериб қўйган бўлсада, аммо омади бор экан. Мусобақага кела олмаган кучли спортчининг «лаки-луза» ўрни унга насиб этди.

Кедрюк спортда унчалик ҳам омадга ишонмасда, ҳақиқий беллашув муҳимлигини яна бир бор тан олди. Ҳамюртимиз билан омадсиз кечган учрашув орасида галаба сари умидини яна сўндирди. Биринчи сетда рақиблар бир-биридан ўтишга кўп ҳаракат қилишди. Фақат сўнгги дақиқаларда ўз имкониятларидан тўлалигича фойдалана олгани боис Денис кўпроқ очко тўплай олди ва бундан ишончи анча кучайиб, иккинчи сетни деярли осонликча ўз ҳисобига ҳал этди.

Матбуот анжуманида дастлабки ютуғига шарҳ берган Денис Истомин бу йилги мавсум унинг учун яхши кечганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса кунга кеча «Кремль Кубоги»да эришган натижалари рейтингини анча яхшилаб олишига имкон берди. У Москвада тўрт саралаш тўсиқларини енгиб, асосий турнирнинг биринчи даврасида ҳам 36-

погонани эгаллаб турган франциялик Мишель Лоддрани доғда қолдира олди. Чорак финал учун ўтказилган беллашувда мағлуб бўлди, лекин ҳамюртимизнинг фикрига қараганда, бу унинг кейинги вақтда эришган энг яхши натижаси ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, Денис Истомин Осиё чемпионатининг голиби бўлиб, «Австралиан опен»га йўланмани кўлга киритган, шунингдек, республикамизда анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган челленжер мусобақаларининг шохсупасидан ҳам ўрин олган. Шу йил якунига қадар у биринчи юзталикдан ўрин эгаллашни мақсад қилган.

Шу боис Денис «Tashkent challenger-2008»га катта умид боғлаган. Ҳамюртимизда ҳозирча имкониятлар етарли. Аммо турнир жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги ўйиннинг осон кечмаслиги мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз. Иккинчи даврадаги унинг рақибни германиялик Даниэль Бранц 169-рейтинг соҳибни. Ўзбекистонлик теннисчидан у деярли 50 поғона паст туради, бироқ анча уздабурон ўйинчи деган фикрлар юритилмоқда.

— Шаҳсан ўзимнинг мухлисларим борми, йўқми, билолмадим, — дейди Денис, — аммо юртимиз теннис илҳосмандлари айна пайтда менга ишонч боғлаганликларини сезиб турибман. Уларнинг ишончини оқлаш учун бор имкониятларимдан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан. Шунинг ҳам олдига таъкидлаб ўтмоқчиманки, ўз уйимда ёки бошқа юртдами — қаерда бўлмайин, кортга тушаётганимда, Ватаним туйғуси ҳар доим устундир...

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**ЎТГАН КУНИ ШАҲРИМИЗДАГИ «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ ҲАМДА «МХСК» СТАДИОНИДА ТУСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**Футбол**

**МУРОСАМИЗ БЕЛЛАШУВЛАР**

Жанубий корейлик тенгдошлари билан голиблик учун кураш олиб борган Роберт Гай бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари гарчанд тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этишига интилан бўлсаларда, маҳорат бобида рақибларига деярли имкониятни бой бериб қўйишди. Ва 90 дақиқа мобайнида ўз дарвозаларидан 3 та тўп ўтказиб юборишди. Беллашув 0:3 ҳисобида Жанубий Корея терма жамоаси галабаси билан якунланди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди: Австралия — БАА — 2:3, Эрон — Сурия — 2:0, Япония — Саудия Арабистони — 2:0.

Энди ярим финалда Жанубий Корея — Япония, Эрон — БАА терма жамоалари куч синашади.

(Ўз мухбиримиз)



**Самбо**

**ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ — ШОҲСУПА ТЎРИДА**

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ МАЖМУАСИДА ТЎРТ КУН ДАВОМИДА ЎСМИРЛАР, ЁШЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА САМБО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил чемпионат қатнашчилари бўлиши мамлакатларнинг сони 32 тага етди ва бу илгари кузатилмаган эди. Бу қувонарли ҳол бўлиб, курраи заминда самбонинг тобора ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Энди бевосита чемпионат баҳслари хусусида тўхталанди бўлсак, қизлар 40 дан 80, ўсмирлар эса 48 дан 100 килограммгача бўлган вазн тоифаларида ўз куч-маҳоратларини кўрсатиб, галаба учун кураш олиб боришди.

Нуфузли турнирда юртимиз спортчилари билан бир қаторда Россия, Мўғулистон,

Илғор Асадов ўзининг энг яхши фазилатларини намоян этиб, аҳолиб спорт формасида эканлигини исботлади. Унинг «тегирмон», боши ва тиззаси узра рақибини ағдариш каби усулларига деярли бирорта рақиб дош беролмади ва Илғор ҳақи равишда жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди. 70 килограммгача вазнда иштирок этган яна бир самбочимиз — Аббос Жалолова эса кумуш нишон насиб этди. Яна бир қатор ўсмирларимиз бронза нишонларини кўлга киритишди.

52 ва 80 килограммгача вазн тоифаларида самбочи қизларимиздан Назарова ҳамда Турсуновалар ҳурмат шохсупасининг учинчи погонасини забт этишди. Турнирнинг голиби ва совриндорлари медаллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Маҳаллий пахта ёғи маҳсулотларининг чекланган чакана нархлари

Пахта ёғи тури	Белгиланган нархи
Қадоқланмаган, 1 кг	1800 сўмгача
Қадоқланган ҳидсизлангирилмаган (недезорированное), 1 литр	2050 сўмгача
Қадоқланган ҳидсизлангирилган (дезорированное), 1 литр	2200 сўмгача

Чакана савдо шохбчалари маҳаллий ёғ маҳсулотини сотишда юқорида кўрсатилган нархларга амал қилган ҳолда улгуржи нархга 15% гача устамга қўллаши белгиланган.

Маҳаллий ун маҳсулотларининг чекланган чакана нархлари

Ун тури	Белгиланган нархи, 1 кг учун
Олий навли	650 сўм
1-навли	450 сўм
2-навли	415 сўм
Ўзбекистон нави	425 сўм

Маҳаллий ундан тайёрланган нон маҳсулотларининг чакана сотилиш нархлари

Нон маҳсулоти тури	1 дозасининг вазни	Чакана нархи, 1 доза
Бугдой ундан олий навли	700 гр	460 сўм
Бугдой ундан олий навли	600 гр	405 сўм
Оқ нон (1-навли, қолип)	600 гр	300 сўм

Савдо корхоналари ушбу маҳсулотларга тегишли нархномалар кўйилишини ҳамда белгиланган нархларда сотилишини таъминлаш шарт. Ушбу талабларга амал қилмаслик савдо корхоналарининг қонунийликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан ун, пахта ёғи ҳамда нон (формовой)га белгиланган нархларга савдо корхоналари томонидан ошириб сотиш ёки нархномалар кўймаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир!

Ишонч телефонлари: 233-09-39, 232-27-56, 276-90-46

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нухсада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6